

Qaraqalpaqstan Respublikasi
xalq bilimlendiriw ministrligi
Qaraqalpaqiston Respublikasi
xalq talimi vazirligi

№ 30-410 Н 6 2021-йил
shig'is № 02-02/05-3122
No'kis qalasi / Nukus shaxri
A. Dosnazarov ko'shesi 62-jay

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси

Халқ таълими вазирлигининг

биринчи ўринбосари в.в.б

Қ.Бекбаулиев

« 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сон қарорни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул	
				Вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида	Халқ таълими тасарруфидаги бошқарма ва ташкилотлар
1	<p>Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рақсионини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи субъектларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш (хамкорликда).</p> <p>Бунда, болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларини мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар ҳудудида сотишга чекловлар қўйилсин.</p>	<p>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рақсионини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи субъектларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш (хамкорликда).</p> <p>Болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларини мактаблар ҳудудида сотилишига чекловлар қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Тайёрланган таклифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбориш.</p>	<p>2021 йил август</p>	<p>Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари</p>

2	<p>Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда мактабларда болаларнинг соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтирилсин.</p>	<p>Умумий урта таълим муассасаларидаги ошхона ва буфетлар фаолиятини СанҚвМ талабларига мослигини назорат қилиш. Ошхонада санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига кагъий риоя этилиши буйича доимий мониторингини утказиш.</p>	10 кун муддатда	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда</p>	Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари
3	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида умумтаълим мактабларининг ошхоналари ва буфетларида болалар соғлиғига зарарли ёки фойдасиз бўлган маҳсулотларнинг сотилишини тақиқлаш.</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида умумтаълим мактабларнинг ошхоналари ва буфетларида болалар соғлиғига зарарли ёки фойдасиз булган маҳсулотларнинг сотилишини тақиқлаш туғрисида Халқ таълим бўлимларига хат тайёрлаш.</p>	10 кун муддатда	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда</p>	Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари
4	<p>Умумтаълим мактаблари ошхоналарини ҳар бир ҳудуддан биттадан, 2022 йилдан бошлаб, босқичма-босқич туман (шаҳар)лар миқёсида ягона танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар юкланган ҳолда ижарага берил.</p>	<p>Ошхонаси мавжуд бўлмаган умумтаълим мактабларида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан 5-10 йиллик муддатга ижара тўловсиз таълим муассасаси раҳбари билан туғридан-туғри шартнома тузган ҳолда ошхона фаолиятини юритиш учун бино ва ер майдонлари ажратиш чораларини кўрич.</p>	2022 йилдан бошлаб	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари

5	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан бир ой муддатда 2021 йилда ягона танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шериклик асосида умумтаълим мактаблари ошхоналарини ижарага бериш бўйича ҳудудлардан биттадан туман (шаҳар) рўйхатини Халқ таълими вазириликка тақдим этиш.</p>	<p>2021 йилда давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар юклаган ҳолда ижарага бериладиган туман(шаҳар)ларни аниқлаш</p>	<p>2021 йил 25 июнь</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	<p>Халқ таълими вазирилик, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари</p>
6	<p>Тадбиркорлик субъектларига умумтаълим мактабларининг ошхоналарини ижарага бериш бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан бир ой муддатда 2021 йилда ягона танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шериклик асосида умумтаълим мактаблари ошхоналарини ижарага бериш бўйича ҳудудлардан биттадан туман (шаҳар) рўйхатини тадбиркорлик субъектларига умумтаълим мактабларининг ошхоналарини ижарага бериш бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	<p>Мунтазам равишда</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	<p>Халқ таълими вазирилик, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари</p>
7	<p>Умумтаълим мактабларининг ошхоналари давлат-хусусий шериклик асосида ошхона ёки буфет куриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, ҳудудда ошхона фаолияти йўлга қўйилмаган мактабларда соғлом овқатланишни ташкил этиш, ижтимоий химояга муҳтож oilаларнинг фарзандлари (ўқувчилар) учун имтиёзли шартларда овқатланишни таъминлаш, ошпазлик касбига эга бўлган ҳудудда ишсиз бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш.</p>	<p>Ҳудудларни ўрганиш, бўлмаган Ошхонаси мавжуд мактабларни умумтаълим мактабларни аниқлаш.</p>	<p>2021 йил июль</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	<p>Халқ таълими вазирилик, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари</p>

8	<p>Ошхонаси мавжуд бўлмаган умумтаълим мактабларида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан 5-10 йиллик муддатга ижара тўловсиз таълим муассасаси раҳбари билан тўғридан-тўғри шартнома тузган ҳолда ошхона фаолиятини юритиш учун бино ва ер майдонлари ажратиш.</p>	<p>Ошхонаси мавжуд бўлмаган ҳамда тадбиркорлик субъектлар томонидан ижарага олинмаган умумтаълим мактабларни рўйхатини шакллантириш.</p>	2021 йил 15 июль	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари
9	<p>Умумтаълим мактаблари ошхоналарининг тадбиркорлик субъектларига инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар юкланган ҳолда 10 йил муддатгача давлат-хусусий шериклик асосида бериш.</p>	<p>Ошхонаси мавжуд бўлмаган умумтаълим мактабларни инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар юкланган ҳолда тадбиркорларга бериш чорасини кўриш</p>	2021 йил 25 июль	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат активларни бошқариш агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда</p>	Халқ таълими вазирлиги, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари

